

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

- Пахтақорғиримизнинг республикамиз хизматига уйғун ҳисоблари 1,5 миллион тоннага етди. Ҳозир кунга қабул пунктларига 110 минг тоннага кўпроқ пахта етказиб берилмоқда. Қўнлик ўсишда Наманган, Қашқадарь, Тошкент вилоятларининг деҳқонлари пешақадимлик қилмоқдалар. Бу вилоятларда кунга йиллик режанинг 3 фоиздан кўпроқ оқ олтинга йиғиб-териб олинмоқда.
- Ўзбекистон Марказий банки 14 октябрдан бошлаб республика ҳудудда АҚШ 1 долларининг қиймати 334 сўм қилиб белгиланганини маълум қилди.
- Кеча «Пахтакор» стадионда Осиё соҳирини учун беллашуларда Ўзбекистон ва Қозғоғистон терма командалари ўрашди. Унинг 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Урта Осиё ва Қозғоғистон терма жамоалари иштирок этган бу соҳир учун қурашда Ўзбекистон футболчилари пешақадимлик қилмоқдалар.

1992 йил 15 октябрь, пайшанба Нархи 2 сўм.

**АФҒОНИСТОН ИСЛОМ ДАВЛАТИ РАҲБАРИ
Б. РАББОНИЙНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ
ЯҚУНЛАРИ Тўғрисида**

Қўшма АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримовнинг тақлифига биноан Афғонистон Ислам давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний 1992 йил 13—15 октябрь кунлари амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

13 октябрь кунин Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов билан Афғонистон Ислам давлатининг раҳбари Б. Раббоний ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Иккала давлат раҳбарлари кенг қўламада масалалар юзасидан ўтказилган фикрлашулар фойдали бўлганлигини таъкидладилар. Тошкентда бўлиб ўтган музокараларда муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўлининг қўнлик бўлиши, ҳудудий яхлитлигини ва чегаралари дахлсизлигини сақлаб қолиши, бир-бирига қарама-қарши томонлар ўртасидаги муаммоларни фақат шу суверен мамлакат ҳалқининг манфаатларини кўлаб, тинч, сиёсий йўллар билан ҳал қилиш лозимлигини билдирдилар.

Музокараларда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида турли соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг аҳоли муфассал қилиб чиқилиши, Тошкент олий даражадаги учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислам давлати ўртасида эътиборли муносабатларни ўрнатилганлиги, шунингдек Тошкент билан Қўбۇл ўртасида хаво йўли очилганлиги муҳим эканлигини қайд этдилар. Давлатларнинг қайд барлари ҳамкорликни жадал ривожлантириш ва ҳар томонлама кенгайтириш кераклигини ёқлаб гапирдилар. Бунда ҳамкорликнинг янги самарали шакллари яқин келажикда ўрнатилганлиги алоҳида эътибор берилди. Савдо-иқтисодий алоқалар ва бошқа алоқаларни авж олдириш тўғрисида ахборот берилди.

Ҳар иккала томон Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислам давлати ўзaro муносабатларини давлатларaro муомаланинг ҳаммабон принциплари, яъни ўзарo ҳурмат ва ҳудудий яхлитлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасин, тенглик ва ўзарo манфаатли ҳамкорлик принциплари асосида ривожлантириб боришларини билдирдилар.


Б. Раббоний Ўзбекистон ҳалқининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш ҳамда иқтисодий-иҷтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш йўлидаги интилиш ва азму қарорини қўлаб-қувватлашини изҳор қилди. Тошонлар самарали масалаҳатлашулар воситасини яратиб йўли билан икки томонлама тусдаги масалалар буйича ҳамда иккала томонни қизиқтирувчи жаҳон миқёсидаги ва минтақавий аҳамиятдаги асосий халқaro муаммолар буйича мулоқотларни кенгайтириш зарурлигини эътироф этдилар. Тошонлар ўзарo муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини вужудга келтириш борасидаги ишларни бошлашга ҳам рози бўлдилар.

Иккита давлат Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислам давлати ўз муносабатларини ҳеч қандай ташқаридан бўладиган воситачиларсиз, юзма-юз, очиқ кўнгли билан бир-бирига бироқлик, яқин қўнлик сифатида амалга оширишга келишдилар.

Давлатларнинг раҳбарлари шунга қатъий ишонч билдирдиларки, бўлиб ўтган таширф ва фикрлашулар Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислам давлати ўртасида муносабатларни яқинлаштиришга, ўзарo тўғриватинчи ҳамкорликни кенгайтиришга ва ишончини мустаҳкамлашга қўмақлашади.

Б. Раббоний Президент И. Каримовни расмий таширф билан Афғонистонга боришга тақлиф этди. Тақлиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Таширф мудири дипломатия йўли билан қўшма равишда келишиб олинди. Тошкент шаҳри, 1992 йил 13 октябрь.

* Ўзбекистон қоғоз ижара корхонаси—60 ёмда



СУРАТЛАРДА: қоғоз цехининг илгор ишчилари Ш. Майболаева (юқорида) ва тайёр маҳсулотларни жуғатиш пайти (пастда). Андрей Пишченко суратлари.

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН КУН

БУГУН корхона ишчилари, муҳандис-техник ходимлари бир-бирларини илғи сўзлар билан қизғин таъриқлашмоқда. Айниқса, кўп-кўп айёмга ҳамма ўзига хош тўғна билан келган ишчиларни хушнуд этмоқда.

Ишчиларимиз бу кунни озиқиб кутишганда, — дейди корхона директори Миробрий Мирзонов. — Улар йил бошидан оқ шоднага яхши тайёргарлик кўришди. Шунинг учун ҳам 9 ойлик кўрсаткичларимиз ошириб бажаришди.

60 йил давомида корхона катта йилни босиб ўтди. У 1932 йилда ташқил этилган бўлиб, ўшанда биринчи қоғоз кесиб машинаси фойдаланишга топширилган. Бу техника билан бир йилда ҳаммаси бўлиб 1600 тонна қоғозга ишлов берилди. Корхона ишчилари, муҳандислари йилдан-йилга қувватини ошириш тадбирлари йўлида изланишлар олиб боришди. Орадан икки йил ўтгач, бу ерда яна бир маҳсулот — картон тайёрлаш йўлига қўйилди. 1940 йилга келиб эса иккинчи қоғоз кесиб машинаси ишга туширилди. Натижанда корхона ишлаб чиқариш қуввати тенг баробарга ошди.

Уруш ва ундан кейинги йиллар даврида барча ишлаб чиқаришлар қатори Ўзбекистон қоғоз ижара корхонаси (ЎЗВУМ) ҳам катта йиғинчиликларни бошидан кечирди. Бироқ бу оғирчиликлар ўз касбига сиқидилдан меҳр қўйган ишчилар ривожини бутун оқимди, изланишлар давом этди. Натижанда 1947 йили олий нав қоғоз тайёрлайдиган учинчи кесиб машинаси ўз фаолиятини бошлади. Орадан маълум муддат ўтиб турли дафтарлар, шунингдек ўқув дафтери тайёрлайдиган агрегат ишга тушди. Корхонали йириклаштириш мақсадида картон фабрикаси ҳам унга қўшиб юборилди.

Айниқса, 1964 йили йирик бурилиш йили бўлди. Муҳандис-техник ходимларнинг узоқ изланиш ва машаққатли меҳнатлари эвазига туртинчи қоғоз кесиб машинаси фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб, корхона йилга 11 минг тонна ҳамда ёзув қоғози ишлаб чиқарадиган бўлди.

Ҳозир бу ерда дафтар тайёрлайдиган агрегатлар, Германиянинг «Веломатик» фирмасидан келтирилган янги қўрилма ишлаб турибди. Бугунги кунда корхона тўрт турдаги картондан 26 минг тонна ҳамда маҳсулот тайёрлайпти. Бир йилда ўқув дафтларининг ўзидангина 120 миллион дона тайёрланмоқда.

Корхона ишчилари уруш етарли шароитлар яратиб борасида ҳам анча ишлар қилинди. Янги замонавий ошхона қурилди. Дўкон, маиший мажмуа, қаҳвахона мунтазам хизмат кўрсатмоқда. Цехларда эса дам олиш хоналари мажмууд бўлиб, бу ерда ишчилар бўш вақтларини маъмулий ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Бугунги шодна кунда корхона илгорларидан Ирина Наушинова, Рустам Эминов, Нурзун Шайхова, Обид Абдуллоев ва бошқаларнинг номларини қайд қилиб ўтиш мароқларидир.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги нишонланган йилда корхонамизнинг 60 йиллик тўғи ўтабтганлигини биз учун фахрлидир. — дейди Миробрий Мирзонов сўзини якунлаб.

Маҳмуд ОРИПОВ.

БУРҲОНИДДИН РАББОНИЙ САМАРҚАНДА

Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислам давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний бошчилигидаги делегация 14 октябрь кунин Афғонистон Президенти ҳузуринда давлат котиби Р. Ражабов ҳамроҳлигида Самарқанда таширф бўурди.

Шу муносабат билан Самарқанд тайёргарчи Афғонистон Ислам давлати ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқлари билан безатилди. Муҳтарам меҳмонларни Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдурахмонов ва бошқа расмий киши-

* Махсус «Оқишом» учун

ЯНГИ УФҚЛАР ОЧАДИ

ли келажак ваъдаси ёни га-бабаси билан тугар эди. Ҳа-ётда аслида шундай бўлма-ган-ку! Ҳаётининг кўрса-ти бўлиш пессимизмга хо-с бўлмай, воқелидини ифода-лаш қобилиятини.

Ўзбек кинематографияси ҳақида гапирсам у ҳар доим миллийликни сақлагани, Ўз-бек киносининг ривожига бе-к ишонгани билан бунга фестивал давомида намойиш қилина-вган фильмлар ҳам гувоҳ.

○ Ирина ШИЛОВА, рос-сиялик киношунас: — Кеча Кино уйида «Ва-ташларнинг комедияси» фильмининг ташқил ҳайъатига ҳа-вола этилди. Икки оғиз шу фильмининг режиссери Владимир Хитоненко тўғри-сида сўзламоқчиман. Бу ижодкор муҳлисига «СВ», «Жарлик» номли анча шо-шувга сабаб бўлган фильм-лар ордани таниш. Влади-мир асли сиёрийлик, шунинг учун ўз ҳалқининг муаммо-ларини яратган асарларида андиқитиб воқеалар асосида, ҳаётга яқин тарафда ифода-лай оладиган ижодкордир. Кечаги фильмининг яратили-шига пессимистик нуқтанг назар ташеини ҳақида сўра-дингиз. Менимча, бизда со-ветлар тузуми даврида ярат-илган фильмлар доим бах-

○ Муҳаммад Ҳомид Хо-ЛУСИЙ, сурялик санъат-кор: — Суряда кинематогра-фия маркази 1990 йилда ташқил топди. Аслида биз-нинг мамлакатимизда кино 1928 йилдан ишлатилган. 1960 йилдан кино техниксининг ютуғи билан Суря кино-санъатига янги босқич бош-ланди. Ҳозир қисқа метраж-ли, ҳужжатли ва кўп серияли фильмлар кенг суратта оли-нади. Бизнинг кинематогра-фия ривожланиш йўлида. Тошкентда бўлиб ўтабтган киноанжуман сурялик санъ-аткорларга таъриба алма-шишда янги ўфқлар очади.

Бу фестивалда қатнаша-вган Абдул Латиф Абдуҳа-мид бор-йўғи икки фильм билан маҳшур режиссер бў-либ кетди. Мамлакатимизда унинг «Олтин ижодкор» деб аташди. Сабаби унинг шу фильмлари жуда кўп ҳалқ-ор фестиваллар совриндо-ри. У Испанияда эртага очил-лабтган халқaro фестивалда ҳам ўз киноси билан ишти-рок этади. Ҳозир бу ижод-кор жуда катта фильм усти-да ишламоқда. Бу фильм халқимизнинг иқтисодий му-аммоларини ўнда ифода-

ҲАМДУСТЛИҚДА

- Россияда ҳозирга қадар 102 миллион тонна дон янчилди. Бу ўтган йилдагидан қарийб 12 миллион тонна кўп-дир. Ҳозиргача галлазорларнинг 90 фоиздаги дон янчиб олинди. Лекин сўнги кунларда об-ҳавонинг кескин совиб кетиши урим йиғим-терим ишларини гош муқуллаштириб юборди.
- Қирғизистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси Тожикистонга Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдустлиги тинч-ликни сақлаш куллари тарихида ўз чекланган ҳарбий қис-мларини қирғишга қарши овоз берди. Айни пайтда сессия ҳукуматга Тожикистонга эрик-оқват ва дори-дармонлар бил-ан инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун маблағ қиди-риб топшини топширди.
- Кеча Россия ҳукуматининг мажлисида шу йил январь—август ойда мамлакат миллий даромади 1991 йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга камайганини маълум қилинди. Аҳолининг турмуш даражаси ҳам шу миқдорга пасайган. Россия иқтисодиёт вазирлиги мутахассисларининг фикрига кўра 1993 йилда ҳам бу ерда ишлаб чиқариш ҳамма 8—10 фоизга камайд.
- Молдовада фақат октябрь ойининг биринчи ярмида ишчилар соми деярли беш бараварга кўпайди. Ҳозир рес-публикада 22 минг меҳнатга лаёқатли киши ишсиз сифа-тида рўйхатда олинган. Улар орасида олий маълумотли му-тахассислар ва хотин-қизлар аксарият кўпчиликини ташкил этади.
- Россия мудофая вазирлиги Павел Грачев 1992 йилда Рос-сия бирорта ҳам ядро портлаши ўтказмаслигини маълум қилди.

ХОРИҶДА

- Грузия мудофая вазирлиги матбуот маркази 15 октя-брга ўтар кечаси Абхазия ҳарбий бўлинмалари Кавказ халқ-лари жангарили билан Сухумига ҳужум қилганлигини маълум қилди. Бу ҳужум даф этилган.
- Хиндистон ҳукумати Россияга чой, тамак, дори-дар-мон ва бошқа маҳсулотлар харид қилиши учун 75 милли-он доллар миқдорда қарз берди.
- Германия совиқ СССР ва Югославия ҳудудларида ташқил топган 17 мамлакатда ўз дипломатик ваколатхо-наларини очадиган бўлди.
- Швейцария маъмурлари сўнги пайтда Гербий Европа банкларига ўтказилган 7 миллиард доллар кимга тегишли эканлигини аниқлашга уриммоқдалар. Уларнинг фикрича, бу пул Россия ҳудудида иш олиб бораётган гивҳандлар билан савдо қилувчи мафиячиларники бўлиши мумкин.
- Итисодий фанлар соҳасидаги 1992 йилги Нобель му-кофоти АНШдаги Чикаго университетининг профессори Гарри Беккерга берилди.

* Тошкент шаҳар Ҳокими. маҳкамасида ФАОЛ ИШТИРОКЛАРИ УЧУН

ЯҚИНДА Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбековнинг қарори билан қатор таъкилот ва муассасалар Тошкент шаҳрини ривожлан-тиришга қўшган катта хиз-матлари, Ўзбекистон Рес-публикаси Муस्ताқиллик ку-нига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фаол ишти-роқ этганлиги учун Фахрий ёрликлар билан таъдирлан-дилар. Мукофотланганлар орасида шаҳар бошқарма ва хизматлари, ўқув юртлири, халқ таълими, соғлиқни сақ-лаш, маданият, спорт муас-сасалари, хизмат кўрсатиш со-ҳалари, ҳуқуқ-тартиб идо-ралари жамоалари бор.

Шу қарор билан ходимлар-нинг катта бир гуруҳи ҳам кўп йиллик самарали меҳнати, таъкилот ва муассасалар Тошкент шаҳрини ривожлан-тиришга қўшган катта хиз-матлари, Ўзбекистон Рес-публикаси Муस्ताқиллик ку-нига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фаол ишти-роқ этганлиги учун Фахрий ёрликлар билан таъдирлан-дилар. Мукофотланганлар орасида шаҳар бошқарма ва хизматлари, ўқув юртлири, халқ таълими, соғлиқни сақ-лаш, маданият, спорт муас-сасалари, хизмат кўрсатиш со-ҳалари, ҳуқуқ-тартиб идо-ралари жамоалари бор.

* Обуна—93 — * Обуна—93

ЁЗ ИЛИБ ҚЎЙГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

МУТОЛАА орқали ўзлаштирилган билим инсоннинг ижодий ва зерурий мақсадларига хизмат қилиши ҳаммага маълум. Бугунги бозор иқтисодиёти йиғинчиликларини бошидан кечи-раётган бир даврда бизнинг азиз ва музтазам шаҳримизда нашр этиладиган «Тошкент оқишомини» газетаси «Истиқом», «Тўғриват» ўқувчи 6 ойна 1500 сўм эмас, балки бир йилга 510 сўм қилиб белгиланган. Бу ҳам албатта ўз халқимизга қилин-ган бир муруват эмасми!

Бугунги кунга келиб, «Тошкент оқишомининг» муҳлисари кўпайгани ҳам сир эмас. Негаки, газета таҳририятинида меҳ-нат қилувган кўпгина ижодкорлар гуруҳи ҳар қандай йиғи-ликларда, кўчаларда, воқеаларда ингирроқ юрибди. Бунинг сабаби ҳам маълум, газета ҳафтада беш мартаба нашр этилиши инсониятнинг фойдаланиб, бугунги янглик, бугунги ҳаёт, бугунги иқтисодий-сиёсий воқеаларни бугун, ўз вақтида халққа етказишдек ўз олдиди муқаддас бурчини яхши ўтамоқда.

— Биласизми, — дейди «Агрошкола» мавзесидида дўкон-чи Тоҳиржон Рауфов, газеталарнинг қизилқарин, ўқинишли бўлишидан биз ҳам манфаатдоримиз. Чунки, кўпчилик «Тош-кент оқишомини» сўрашди. Айниқса, «Менга битта оқиб кў-йини», «Пулнинг ташлаб кетмас бўладими!» дегувичилар кўп. Демак, «Тошкент оқишомининг» савдоси какин эмас. Обуна бўлишса, дўконимизда камай-б кетмасмикин, деб кўрқав-ман. Чунки оқиб кўйиш осон бўлмайди-да. Кунин кеча икки киши кўз олдимида «Тошкент оқишомининг» биринчи саҳифа-сида берилган обуна бўлиш паттасига ўз манзилгоҳларини азиб, тўдирди, менга пулини ҳам бериб, шунинг расмийлаш-тириб беролмайсамми, деб сўрашди. Еши улуглар бўлган учун йўқ дейилмади. Хайроманлар, арзон вақтида оқиб кўйган ютқазмайди, деганларидек, вақтида газетга ҳам ёзилиб қўйи-шяпти-я, ишбилармонлар. Балли-ей, дедим уларга. Кейин, тўғриси, ўйлаб қилиб, ўзим ҳам олган моланимнинг 510 сўми-га обуна бўлдим. Ҳар ҳолда обуна бўлсангиз ютасиз-да, ют-қазмайсиз. Сизларга ҳам маслаҳатим шу. Вақтида обуна бў-линг!

Маҳмуджон АЗЛАРХОНОВ.

**«Тошкент
Оқишомини»га
обуна**

ДАВОМ ЭТМОҚДА

Яна бир бор эслатиб ўта-миз:
○ Бир йиллик обуна нархи — 310 сўм.
○ Олтин ойна — 255 сўм.
○ Уч ойна — 127 сўм 50 тиник.

○ Бир ойна — 42 сўм 50 тиник.
○ «Тошкент оқишомини» Ўзбеки-стонда янги уч-тўрт нашрлар каторида ҳафтасига беш мар-тадан чиқадиган газета эканли-гини унутманг!



ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАЙЛИК МУДОМ



КИНОМУХЛИСЛАРИНИНГ ҳидиёти билан машҳур киноактёр Анил Капурнинг Осё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Тошкент жаҳонро кинофестивалига ташриф буюрганлигидан яхши хабарлари бор. Анил Капур хизмат тақозоси билан шаҳримиздаги анжуман ўз ишнини икхоясига етказмасдан бир неча кун олдин Ватанига жўнаб кетди. Ўзбекистон Республикаси давлат кинокомпаниясининг раиси Хайрулла Жўраев уни қабул қилиб мухлислар номидан машҳур актёрга шахримизга ташриф буюрганлиги учун қизғин миннатдорчилик изҳор этди, унга ўзининг миллий урф-одатинингга кўра бекасман чопон ва дўппи кийгазди. Шунингдек, у Анил Капурга ушбу кинофестивалдан барвақт жўнаб кетаётганлиги ҳиссасини келгуси Тошкент киноанжуманида албатта чиқаришини ҳам сўради. Бунга жавобан Анил Капур табассум билан:

— Сизлар бу ваъдаларингизни унутмасангиз бўлгани, мен эса сизларга берган ваъданинг устидан албатта чиқман, келгуси халқаро фестивалга келганимда барчангизни мамнун қиламан, — деб жавоб қайтарди.

Анил Капур Тошкентда бўлган кезларида ўз мухлислари билан учрашди, режалари билан ўртоқлашди. Жамоатчи суратчи Вохид Тўраев ҳам уни ўз мухлислари даъватига бўлиб даъхат ёзиб бераётган пайтда тасвирга туширди.

ҲАМКОРЛИК САҲИФАЛАРИ

ТОШКЕНТ кинофестиваллари олинканоиб ишлар, ҳамкорликларга дох бўлди. Ўзбекистон киноанжуманларида тутилган Латиф Файзиев ва машҳур ҳинд кино устаси Умеш Мехранинг иккидир ҳамкорлиги бунга ёрқин мисолдир. Улар яратган «Али Бобо ва қирқ қорқон», «Севги афсонаси», «Оачи» бадий фильмларини барча севиб томоша қилмоқда.

Марокашлик машҳур кинорежиссёр, «Минг бир кўл», «Нафт уруши бўлмади», «Қонли тўй», «Амоқ» бадий фильмларини яратган Суҳайл Бен Барка билан Учқун Назаровнинг ҳамкорлиги ҳам айнан Тошкент кино фестивалида тутилган. Сабаби киноанжуманлар нафақат жаҳон кино майдонинда рўй бераётган янгиликлардан бизни баҳраманд этади, балки ўзaro ҳамкорлик ва дўстона алоқаларга кенг йўл очади. Тўрт давлат — «Ўзбекфильм» (Ўзбекистон), «Кинематография маркази» (Марокаш), «Ариест»-92 (Италия), «Элленпик фильм» (Испания) киноусталари ишлаган «Алангали дўмбиралар», «Уч қиролнинг жанги» фильмлари ҳам ана шу дўстлик, ўзарo ҳамкорликнинг дадил қадамларидан биридир. Суҳайл Бен Барка ҳам Тошкент учрашуви ва мулоқотларидаёқ ўзбек санъаткорлари билан бирга фильм яратиш фикрини изҳор этган эди. Унинг орауви ушайиб, ўзбек адаби, кинорежиссёри Учқун Назаров билан ҳамкорликда яратилган мазкур фильм томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Фильм мураккаб қартиналар сирасига кирди. Унинг мазмуни қуйидагича: «XVI аср. Урта ер денгиз аҳолиси шифоқетиси киргинлар, ихтилофлар сабаб қироллар сулоласи емирлаётган, иккинчи диний қарашлар сўсийиб бораётган пайда. Фильм қарашлар сўсийиб бораётган пайда. Фильмнинг бош қаҳрамонлари — марокашлик шайх Абдулмалик ва унинг севгилис, француз амалдорининг қизи Софи ана шу француз воқеаларини гирдобига тушиб қоладиган эди. Унинг орауви ушайиб, ўзбек бергани туйғайди яқин қариндошлари билан бирга ўзга давлатлардан бошлана илгаша.

межбур бўлади. Тақдир унинг бошига кўп сизимлар солади. Абдулмалик қонли жанглар, бегуноқ қурбонлар, диний ва юкимоий тўқнашувларнинг гувоҳи бўлади. Бу воқеалар унинг идрок кўзини очади. Бу дунда давлатлар ўзарo тоту ва ҳамкор бўлиб яшашни керак, қачондир инсон ақл-иродаки голиб келиши мумкин, деган қарорга келади у. Афсуски, шайх Абдуллоҳ билан берган умр жуда қисқа эди. Оғир ботоб бўлиб қолган Абдулмалик ҳаётининг сўнгги дамида босиб ўтган умр йўлига бир назар ташлайди, не машаққатлар, не кўлга киритган салтанатини ўзидан кейин бошқаражак ҳукмдорларни тинч-тоту яшагача даъват этади. Бирок, том-тахтин эгаллаётган шайх Абдуллоҳнинг режа ва йўлири бошқача эди...

Фильмни ҳикоя қилиб бериш жуда мушкул. Яхшиис уни кўрган, мўшхадик қилган маъқул. Сабаби, фильм иккидир яратган мураккаб, ўткир сюжетли бу қартирнинг сўзда ифодалиб бериш мушкул.

Фильмда ажойиб санъаткорлар иштирок этадилар. Италиядан Клаудия Кердинале, Уго Тоняччи, инглиз-америка актери Умер Шариф, грек Ирэн Палас, америкалик П. Абрахамсон, ўзбекистонлик Шухрат Эргашев, Екуб Аҳмедов, Мелис Абзалов, Клара Желилова, Хосмин Гадов, Фарид Мунжовалар эса қоладиган образлар яратилган.

Фильмни операторлар Жироламо Лароза, Хамидулла Хаснов, Абдурахим Исмомовлар суратга олишди. Постновачи-рассом Бахтиёр Назарова кенг кўламли мураккаб эскизаларни яратди ва италиялик ассистент Элио Анжели ҳамкорлик қилди.

Бинобарин XI Тошкент жаҳонро кинофестивали ҳам ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очди.

Турсун АБДУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: Екуб Аҳмедов ва Шухрат Эргашев «Уч қиролнинг жанги» фильмидан.

БУТУН зал нафасини ичига ютган. Барча томошабинларнинг диққат-эътибори ноаниқ-ниҳол япон қизига қаратилган. Оғир дарга муфта-ло бўлган бу қиз Москвага даво истаб келган. Фильм давомида ҳар бир томошабин у билан изтироқ чекади, қулади, йиғлайди.

«Москва — муҳаббатим менинг» бадий фильмнинг кўрганлар бош қаҳрамон ролини ижро этган Комаки Курихарани, ўша япониялик дилбар юзлик-ниҳолини бир умр унутолмас керак. Сабаби оқ капалакка ўхшаган бу ширин қиз ўзи қаби ноаниқ, дедарли хаёлий қаҳрамонлар образини яратади.

кент фестивалида ёшлар ижодига катта эътибор берилганини кўриб қолганларнинг келажакда шу ёрдан бошланадиган. Унинг ҳам бундан мустасно эмасман. Нидо, Тошкент фестивалига оид, адолатпарвар режиссёр ва актёрлар ташриф буюришади. Негадир истадодли бўлишларига қарамай уларни жаҳон миёсидан анжуманларга қақирмайди. Ким билсин, адолатпарварлик инсон ҳақида қайғуриш кўпчилигига ёқмас керак.

Комаки Курихарадан «Хозир нима билан бандсиз» деб сўрашганда у:

— Асосан театр билан

«ТОМОШАБИН МУҲАББАТИ— МЕНИНГ ҚАНОТИМ»

Нега у бунчалар машҳур бўлиб кетди? Бунга жавобан Комаки-сан (хоним) шундай жавоб беради:

— Барча машҳурлигим, жаҳонга ҳам танилишим, бу — кинематографиянинг хизмати деб ўйлайман. «Москва — муҳаббатим менинг», «Ватан қайғуси», «Журят», «Жонли вақина» каби фильмлардан кейин дунёнинг барча тарафларида мухлисларим маъқулларга кўларашди. Ҳаммасига раҳмат уларнинг. Томошабин муҳаббатини менга қаноат бўлади.

Япон киносининг ёруғ юлдизларидан бири бўлган Комаки Курихара ҳаётда ҳам хушрўй, соддалик аёл. Шунинг учун бўлса керак у япон ёшларининг тинимсиз муҳаббатига айланган. Унинг қомполини, нафис хатти-ҳаракати япон аёллари учун мезон саналади.

Комаки Тошкент кинофестивалларида номини қатнашиб келади. У ҳар сафар Тошкентга келганида «Тошкентнинг севгани», «Тошкент — жоним менинг» деб тақорларди. Шу сўзлар унинг тилидан тунмасди. У Тошкент кинофестиваллари ҳақида сўзлар экан, шундай дейди:

— Фестивалда ёдимда қолган нарсани ундаги дўстона муҳит ва иккидир мулоқотлардир. Шунингдек, Тош-

бандман, — деди. — Токиода «Хайодза» деб номланган театр бор. Унинг саҳнасида мен Дедемондан тортиб Анна Каренинагача ижро этдим.

Комаки-сан ҳақида «Хайодза» театрида А. Чеховнинг «Олчазор» пьесасини саҳналаштирган А. Эфрос шундай деб ёзган эди:

— Япон актёрларининг барчаси ўз ишларига ниҳоятда ҳурмат қилган билан қарашар ва метин интизом билан ишлашар экан. Айниқсан Комаки ўз ролин шунчалар жон куйдириб машқ қилар эдики, ҳатто мен унга «бу репетиция, ҳадеб куйиб-пишверман» деб танбеҳ ҳам берганман. Унинг машҳурлиги, истадодининг ёрқинлиги балки шундандир.

Комаки Курихара Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан, айниқсан Ўзбекистон санъаткорлари билан мулоқот қилиш, бирга ишлаш нишъиди. Демак, у Тошкентга, халқаро кинофестивалларга яна келади. Биз унинг икхоясидан ажойиб қаҳрамонлар билан яна учрашамиз.

Қайнар БУЛОҚ.

СУРАТДА: «Жонли вақина» фильмидан лавҳа.

ФУСУНКОР табиат болаларнинг шўшондон қий-чувлари билан янада гўзал бир манзара яратди. Маҳалла кўчалари болаларнинг қувноқ овозига тўлди. Болаларнинг юзлари, ҳаракатларида бегуворлик:

— Уйнаб-уйнаб куйлаймиз, Куйлаб-куйлаб уйнаймиз. Оқтеракми, кўк терак? Биздан сизга ким керак? — Зоҳид қўзичоқ керак. — Ола-була капалак, Орқа сочим жамалак, Оқ теракми, кўк терак? Биздан сизга ким керак? Хумор қизалоқ керак.

Қаранг, болалар қўшиқдаги ҳар бир сўзини ўзининг турли ҳолат ва ҳаракатларига омухталаштириб гўё вазнга солгандай, қўшиқдаги қоя ва оҳангини, шунингдек, тилланган сўз, ибораларнинг нафис, ўйноқлиги жиҳатидан ўзига хос поэтик ҳодиса даражасида дейишимиз мумкин. Яна кичкинтойларнинг тоқирлиги-чи: «Зоҳид қўзичоқ керак», «Ола-була капалак, орқа сочим жамалак». Бу ажойиб ментзалар ўйинчилар ҳолатини ҳам ифодалайди. Сочига жамалак ўрилганда «ола-була» капалакни эслаш табиий. Бу мурғак қалб тебранишларнинг оҳанглари, бутун авлод-аждоди шоиру бахши ўтган энг кичик авлоднинг шуридан тўкилган дурлар. Бугунги шоиру, ёзувчиға илк сабоқ берган ҳам ана шу ўзлари, яратган қўшиқ бўлса ажабмас.

* Маданий қадриятларимиз

СЕРЖИЛО ЭҲТИРОСЛАР

Болалар ҳар қандай пайтда ўзларига имконият яратишга ҳаракат қилишади. Ёки ўзининг нисси қўлидаги дарахт соясида тўпланиши, янги-янги шеърлар яратадилар.

Хонинг қиз подадан қолдинг, уч-уч. Атлас қўйлақ олиб бераман, Шойи қўйлақ олиб бераман. Хонинг қиз уч-уч, Хонинг қиз уч-уч.

Хонинг ҳадеб учиб кетавермас, қўшиқ бошқачароқ, яъни мазмунига кўчади:

Хонинг меҳмон келди, боланг қудуққа тушди. Хонинг қиз уч-уч, Хонинг қиз уч-уч.

Бу пайтлар болалар ўзарo мулоқот қилдилар. Ким биринчи бўлиб, хон қизини учирди. Бу қўшиқлар кичкинтойларни ҳам иккидир фикрлашга ўргатади, ҳам кичкинтойлар эҳтиросини кўзгайди.

Зотан сўз болалар ўзини ва қўшиғи хусусида... Кичкинтойлар ўзининг тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади.

Туркий халқларнинг буюк бобоқалол олими Маҳмуд Қошғарийнинг 469 (1076—77) йилда ёзиб тугалланган «Девону лугатит турк» китобида ўттиш-ўттиш ўзини ҳақида ёзади: «Болалар ҳалқа (давра) бўлиб ўтиридилар. Болалардан бири ёнидаги болани туртади ва унга «ўтиш-ўтиш», яъни ёнидагини ҳам турт дейилади». Фольклоршунос олимларнинг илмий хулосаларидан маълумки, болалар ўзини дастлабки тараққий босқичларида одамзотнинг ҳаёт тарзи, тирикчилик ўтказиш тарзи асосида юзага келган. Мисол учун агарда бола ўзини вақтида «дум-дум» ўйнаб туриш, ким нафасини кўпроқ чиқармай туришга машқ қилмаганида у бола катта бўлиб овчилик қилганида нафасини ичига ютиб, ўқ ёнини мўлкалга аниқ ота олган бўлур эди... Шундай экан, кичкинтойларнинг қўл, оёқ, мускул, пайларининг мустаҳкам, бадавани серҳаракат ва бақувват бўлишида ўйинларнинг аҳамияти беқисс. Шунингдек, ўйин давомида айтиладиган қўшиқлар эса болаларнинг воқеа ва ҳодисаларга мустақил тасавурларининг бошланғичидир.

Демак, ўйин ва қўшиқ болалар ҳаётида муҳим ўрин тутди. «Нью сайентист» журналида ёзилганча Англияда ҳозирги пайтда ҳам кўпчилик одамлар фарзандларининг қандай ўйинларга ва ўйинчоқларга бўлган қизиқишларини кўриб, келгусида қайси соҳани эгаллашини айтиб беради. Лекин афсуски, бизда бу қўшиқлар унутилапти. Халқимизнинг урф-одатлари қанчалик тез унутилиб бораётган бўлса, болалар ўйин ва қўшиқлари ҳам шунчалик тез йўқолапти. Нега шундай? Болалар нега ёнига нисбатан тез улғайишляпти? Агар ҳозир 7—10 ёшли болалар қандай қўшиқ ёки ўйин биласан, десагиниз, имонимиз қомилки, ўнтадан тўққизгача ҳеч нарсга деймайди. Бундан 20 йиллар аввал эса болалар қўшиқлари ияшган эди. Болаларнинг ўз болагини йўқотиб, тез улғайётганига сабаб — катталар билан баробар тирикчилик ташвишларини тартаётганларида. Айниқсан, қишлоқ болаларининг аҳоли анча оғир. Бунга ҳеч

қандай изоҳнинг ҳожати бўлмас керак. Уларнинг болалик қўшиқлари пахта далаларида қолиб кетди...

Болалигимиздан бир неча қўшиқлар ёдгорлик бўлиб қолди. Серфарзанд ўзбек халқи орасида бундай қўшиқларнинг унутилаётганлиги катта бир маънавий йўқотишдир. Буни бугун ёки эртага сезмаслигимиз мумкин. Аммо, бир кун — беш йилми, ўн йилми ўтиб, надоматлар чекшимиз аниқ. Лекин унда неч бўлади.

Шунча йўқотишлар устига яна маънавий йўқотиш оғирлик қилади. Аслида бундай қўшиқларни болалар қалбига яна қайтариш хусусида ўйлаб ўтиришимизнинг ўзи қанчалик орқага чекинганимизга гувоҳдир.

«Тўғайга ўт кетса, ҳўлу-қуруқ баробар ёнади» деганларидек, турғунлик йилларида халқ педагогикасида амал қилиш бирмунча сусайди. Натияжада мактаблар миллий маданиятдан ажраллиб қола бошлади. Энди бугунга келиб, ўзбек халқ педагогикасининг ажралмас қисми бўлган болалар ўйини ва қўшиғи борасида ҳам жиддий ўйлаш, мулоҳаза қилиш керак бўлган жиҳатлар қўлиги ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятли бўлиб келмоқда. Сабаб биз шу пайтга қадар айрим олимларнинг педагогик қарашларини ўрганиб, имкони борида тақаладиган болалар ўйини ва қўшиғи билан боғлиқ бўлган халқ педагогикасининг, таълим-тарбиянинг ҳеч бир китобда битилмаган эътиборини кўриб, йўриқлари бутунлай ўлтиборимиздан четда қолиб кетмоқда. Мактаб дарсликларини бунга гувоҳ.

Шуни айтиш керакки, 1—5-синфларнинг ўқувчилари ҳам бола. Улар ўйинга ўч бўлади. Шунинг учун унга турли ўйинлар давомида айтиладиган болалар қўшиқларига кўпроқ саҳифалар ажратиш ўринлидир. Қолаверса, болалар ижод дурдоналарида сўзларнинг грамматик алоқаси оқий бўлиб, ҳар қандай мураккаблидан ҳоли. Унда кўмакчи боғловчилар ва юкломалар қамроқ учрайди. Бундай қўшиқларни кичкинтойлар осон «ҳазм» қилади. Бадий олам тез кириб боради, қўшиққа иккидир ёнидаги ҳаракат қилишади. Дарҳақиқат, болаларнинг озгаки поэтик ижоди кичкинтойларнинг сержило эҳтиросларини кўзлаб, болалик завқларини жўнушга келтирувчи мерос эканлигини фольклоршунос олимларимиз томондан бундан бир неча йиллар илгари тўғри аниқланган, қатар ишлар амалга оширилган. Ўзбек болалар озгаки қўшиғи фольклоршунослик ва педагогик асосда атрофида илмий тадқиқот манбаи сифатида тадқиқ қилинди. Бу борада Охунжон Сафаров, Ғани Жаҳонгир, Зўхриддин Миртурсунов, Зўбайда Хусанова ва яна бир қатор мутахассисларнинг монографиялари юзага чиқди.

Фольклор фаълари доктори, профессор Охунжон Сафаров болалар қўшиқларини тўплаб, 1984 йилда «Бойчек» номи остида нашр эттирди. Олима Зўбайда Хусанова «Ўзбек халқ қўшиқлари», Ғани Жаҳонгир «Ўзбек халқ эртаклари»ни ва яна кўпгина муаллифлар ҳам қатор тўплам, китобларини чоп қилдилар. Бу қилган ишлар боп томондан миллионлаб ўзбек боласи яшайдиган республика учун жуда кат. Аммо бу «Бойчек» нашри ҳам маълум бир ҳудуддаги (асосан Бухоро, Самарқанд) болалар қўшиқларини ўз ичига олади. Холос. Агар бутун жумҳуриятимиз бўлиб болалар қўшиқларига раъм солсан, ҳар бир музофот, туман, ҳатто кичиккичи қишлоқларда ҳам алоҳида ўзига хос болалар ўйин ва қўшиқлари борлигини кўрамиз. Бу қўшиқлар болаларнинг ўзлари ўйлаб топган ўйинларига ёки ўша жойининг табиати, у ерда яшовчи ҳайвонот ва ҳашаротлар олами билан боғлиқ равишда келиб чиқади. Айниқсан, Фарғона vodiysидаги ўйин ва қўшиқлар алоҳида ўзига хослик ҳам этадики, бу қўшиқларни тўплаш ва ўрганиш ишлари давом эттирилиши керак. Шунинг учун кўпроқ кейинги даврларда яратилган юмористик ва ҳажийи ёни меҳнат ва маънавийт билан боғлиқ бўлган қўшиқларни тўплаб чоп этиш ҳар томонлама маънада мувофиқ қўрилади. Ўз ўрнида болалар ўйини ва қўшиқларини бир неча жиллик академик нашрини яратишга киришиш зарур. Шунингдек, болалар озгаки қўшиғини мактаб дарслиқларига кўпроқ кириштириш керак. Болалар ўйини давомида айтиладиган қўшиқлар асосида «Ўзини китоб», «Ватан адабиёти»га (қўй синфлар учун) кўпимча маълум қўламақлар тузиш зарур. Бундай китоблар дарслиқлар билан бирга, даъво қайта напир қилиб борилиши лозим. Эҳтимол мактаб дарслиқларидаги эртақ, топшмоқ, мақол, тез айтишлар ва чиқарилаётган болалар китоблари қўшиқлар ўйинини босади деган жавоб ҳам бўлар. Аммо, ҳар иккинчи ҳам унинг ўйинини боса олмаслиги тайин гап. Лекин бизнинг бу каби фикрларимиз болалар ўйини ва қўшиқларини дарслик ва қўламақлар орқали сақлаб қолиш мумкин эканда деган хулоса келтириб чиқармайди. Баъзи ўринларда қўшиқларни фақатгина дарслиқлар асосида ўрганиш кичкинтойларнинг «эрини ижодини маълум қилишга солиб қўяди», деган даъволарнинг ҳам бўлиши табиий. Бундай қарашлар масаланинг бир томони, холос. Негаки, болалар фаоллигини онгли равишда йўналтириб туришда бундай усул муҳим аҳамият касб этади. Зеро, «Маданият агар онгли равишда йўналтириб турилмасдан кўр-кўрона тарзда ривожланса ўздан кейин сахро қолдиради». Бас, шундай экан, инсон хусусан болаларнинг маданий ва маънавий дунёсини шакллантиришга режасиз муносабатда бўлиш ярамайди.

Яна бир фикр: бугун шаҳарларда кўп қаватли уйлар қуриш авж олмақда. Лекин ана шу иморатлар атрофида кичкинтойлар учун ўйинчоқлар яратишга етарли эътибор қилинмапти. Оқибатда болалар қаерда ўйнашини билмайдилар. Ўзбекистондаги қатар болалар боғчалари, мактабларда ҳам ахвол шундай.

Алҳисса шуни, болаларнинг сержило эҳтирослари бўлиши бу бебаҳо дурдоналарга бўлган муносабатларимизда маълум иккони ўзгаришлар лешага эришмоғимиз керак.

Муҳаммад АХМАД.



КУТГАЙМИЗ ИНТИЗОР

Ҳаёт — дўстлик учун берилган, Дўстлар учун кўпроқ керилган. Мадҳига хуш сўзлар терилган. Дўстлик — сўзши билмас бир гулшан.

Дўстларини йинди анжуман! Мустақил юрт анжумани бу. Ҳамкорликнинг гул чамани бу. Юдуларнинг азу маскани бу Тошкент ана ёдуга тўлди. Уч аур қитъа саломга келди. Эзраилларда ниҳилоб, шиддат, Курашу баҳр, ижод ва меҳнат. Ишқу тақдир — билмас ҳеч муддат — Ҳаёлимиза эзраилга боғлар, Унлимасдан боқар ниҳилолар.

Миср, араб, занжи, Ҳиндистон, Хитой билан турклар бир томон, Қўриқ бўлди бебоби уммон. Ҳад билмасдир санъатнинг йўли, Қадридонлар бердилар қўли. Давом этар абадий дийдор, Тинчлик, дўстлик туйғуси бисёр, Учрашунга шахримиз тайёр, Тошкент очар ҳардам кучоғин, Ҳамкорликнинг ўчмас чирғоғи! Қўлини қўлга берайлик мудом! — Анжуманда янгради калом. Дўстлар билан нурафшон олам, Хотирамиз зар-ла битгайимиз, Ҳаммиза интизор кутгайимиз. Темур УВАНДУЛЛО.



* Яхшилар ёди

ҲАМИД АКА ҚОЛДИРГАН НОМ



ҲАР бир халқнинг инсоният тараққиётидаги ўрни биринчи навбатда табиат бойлиги, ноёб қазilmалари-ю, катта дарёлари билан эмас, балки авлодлардан етишиб чиққан ва аллома даражасига кўтарила олган намоёндалари билан эъозланади. Мен учун кўплаб устозларим орасида тадқиқотчи олим, илм-фан жонкуари, ҳайъат жуда оддий, ниҳоятда камтарин инсон Ҳамид Сулаймон алоҳида ўрин эгаллайди. У кишини кўз олдимга келтирсам кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, турғунлик даврида ноҳақ азоб чеккан, гарб адабиётининг тарғиботчиси бўлиб етишган, кейинчалик шарҳ адабиёти ва қўлама-ларини ватанига тўплаш каби хайрли ишга бош қўшган катта олим гавдаланади.

Мен Ҳамид ака ҳақида биринчи марта яқин дугонамдан эшитган эдим (домла унинг отаси билан дўст бўлган эканлар). Шунда қани мен ҳам шундай одамнинг қўлига ишласам — деб орзу қилганим. Бахтининг қарангки, институтнинг тутатич тоғам Исҳоқжон Ражабов билан Адабиёт музейига бордим. Бу муассасани раҳбари Ҳамид ака Сулаймонов эканлар. Домла Ўзбекистон Фанлар академияси ҳолида Адабиёт музейини ташкил этиш билан вазифадар эдилар. У кишини шогирдлари Раҳмат Мақидий, Маҳмудали Юнусов, Бонис Қориев (Олтой), Эргаш Умаров, Мухаммад-жон Ҳанимов, Гулнора Гофурова ва бошқалар ташкили ишларда яқиндан ёрдам беришарди. Айниқса суякли рафиқалари, фидошлари Фозилахон опа бор куч-ғайратларини аямас эдилар. Ниҳоят музей тантанали равишда очилди. Мен ҳам шу ерда ишга кирдим. Ҳамид ака

жуда ҳам зийрак, ўтиришларда гапга чечан, қаҳқаҳа отиб кулишга қўлишмайди-ган, каттама-кичкима бир илқ сўз топиладиган инсон эдилар. Мени «Намолондигим, ақил расо қизим», деганлариде жуда уялиб кетардим. Энди билсам, ходимларини беш қўлдай билиб олиш қобилиятлари бор экан. Айёр, уста одамларга кўп гапиргилари келмас, аммо сездирмай, қандайдир хаёлларга чўмиб, бир нуқтага қараб, сукут сақлаб ўтирар эдилар.

Кичкинагина совга-салом билан кишини осмонларга кўтариш ҳам домлага мансуб эди. Ҳиндистонга қилган

биринчи сафарларидан қайтган суратлари ҳам бор эди. Домла «Қизим, бор, ота-боболарингизни қақириб кел, бир нарса кўрсатаман уларга», — деб қолдилар. Учрашувга келганлар билан алоҳида кучоқлашиб қўришиб, ичларида энг катта ёшли бобомга ҳазил-мутойна-балар қилдилар. Домла уларни қанчалик хурмат қилишлари, қадрлашлари, маънавий бойлигини учун кўрсатишга фикрдошларини эъозлашларини кўриб, фахрли бўлишим. Шунда уларни амаким, академик Юнус Ражабий устозга қараб: «Илгари кексалар нега кўзга қарамасликларини энди билдим. Кўзга кишининг қариб

қолгани, юзидаги ажинлар кўпайганини кўрсатади-да. Ахир мусаввирнинг биздан ҳолайтар ҳидини келтириб қўйибди-ку!» — деб қаҳқаҳа отиб кутиб юбордилар, ҳамма у кишига жўр бўлди. Кейин суҳбат мусаввирлик ва бошқа мавзуларда борди. Домла тирсақларини столга тираганча, кулимсираб: «Вой Рихси ака-ей, Юнус ака-ей, интигимга етдим, ҳар бир киши меҳнатига яраша роҳатини кўрсин, фидойилиги юзга чиқсин», — деб узоқ вақт суҳбатлашдилар.

Ҳамид ака ана шундай, ўзларининг чин эълиси, ўзлари гарб ва шарҳ маданиятининг энг яхши анъаналарини мужассамлаштирган киши сифатида гавдаланади, хотирамда. Биз, ёшлар улардан ўрнак олиб, кишилардан инсонийлигини қидиришга ўргандик.

Вақт тезкор, тўхтамас экан. Ҳаёт тақозоси билан иш жойим ҳам ўзгарди. Устоз изидан мен ҳам инсти-тутда илганини бошлаб юбордим. Шунда албатта Ҳамид акадан олган сабоқларни қўлашга, унинг йўлини тутишга ҳаракат қилдим. Сабаби, улар дилмига яхшилик, эзгулик, донолик уруғларини сепган эдилар. Бугун улар уялиб чиқиб, барқ уриб, кўлайиб бормоқдани, бу фазилатларни албатта шогирдларимизга етказишимиз зарур.

Ҳар бир инсон Ҳамид акадек кейинги авлодга қолдирадиган маънавий бойлик ҳақида кўпроқ ўйласа, уни эъозласа, шунчалик эртанги кунга ишончимиз кучай боради, деган ҳулосага келдим. Бусиз жамият мукам-мал бўлиши мумкин эмас.

Мукаддас КОМИЛОВА, Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтининг доцент, филология фанлари номзоди.

СУРАТДА: Ҳамид Сулаймонов (ўртада) бир гуруҳ шогирдлари даврасида.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Шаҳарлараро телефон ва телеграф алоқасидан фойдаланувчи тошкентликлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги «Алоқа хизматлари учун белгиланган тарифларни ўзгартириш тўғрисида»ги 442-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Нарх-наво кенгашининг 1992 йил 28 сентябрдаги 33/24-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1992 йил 30 сентябрдаги 228-сонли Буйруғига мувофиқ,

1992 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ЯНГИ ТАРИФЛАР ЖОРИИ ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳридаги абонентлар учун очиқ бўлган шаҳарларнинг кодлари рўйхатини маълум қиламиз:

Шаҳарлар	Код	Оқиди тариф буйича 1 минутага сузлашув давомида (сўмларда)
Актобинск	31322	5
Олмаота	3272	4
Андижон	37422	2
Орқалиқ	33022	4
Архангелск	81822	6
Ашгабат	3632	4
Барнаул	3852	5
Белгород	07222	5
Благоевчешек	41622	9
Вийшек	3312	4
Врянск	0832, 08322	5
Вьюхоро	36522	3
Вильница	04322	6
Вильнюс	0122	6
Владимир	86722	5
Владимир	09222	5
Волгоград	8442	5
Вологда	81722	5
Воронеж	0732	5
Витебск	02122	6
Гомель	0232	6
Грозний	8712	6
Гулустон	36722	2
Жамбул	32622	4
Жиззас	37222	4
Жезказган	31022	4
Днепропетровск	0562	4
Душанба	3772	4
Екатеринбург	3432	4
Ереван	8852	6
Житойир	0412	6
Запорожье	0612	5
Ивано-Франковск	0932	5
Иркутск	3952	5
Ивано-Франковск	03422	6
Ижевск	3412	5
Ишкербул	83622	5
Калуга	08422	4
Қарағанда	3212	4
Қарши	37522	3
Қизил-Урда	32422	4
Киров	8332	6
Кировоград	05222	6
Кийишев	0422	6
Қўқон	43400	2
Қўқон	31622	5
Кострома	09422	5
Киев	044	5
Красноводек	43222	6
Краснодар	8612	5
Красноярск	3912	5
Курск	07122	5
Кизил	39422	5
Лйшецк	0742	5
Львов	0322	6
Луганск	0642	5
Мари	37022	4
Махаҷқала	87222	5
Минск	0172	6
Москва	095	5
Могилев	0222	6
Нальчин	86622	5
Новоий	43622	3
Наманган	36922	2
Никопол	0512	6
Нижний Новгород	8312	5
Новгород	81622	6
Новосибирск	3832	5
Новосибирск	38122	3
Омск	3812	5
Орёл	08622	5
Уш	33222	4
Павлодар	3182	5
Петрозаводск	81422	6
Петропавловск (Қозғоғистон Республикаси)	3152	5
Қоракўл	31922	4
Қоркўл	81122	6
Рига	0132	6
Ростов-Дон	8632	5
Рязань	0912	6
Санкт-Петербург	812	6
Самара	8462	5
Самарқанд	36622	2
Саранск	83422	5
Саратов	8452	5
Семипалатинск	32222	5
Смоленск	08122	6
Сочин	8620	5
Ставрополь	86522	5
Суэи	05422	5
Ташкент	02822	6
Таллин	0142	6
Талса	33422	4
Тамбов	07522	5
Товошўз	36022	4
Тбилиси	8832	5
Термиз	37622	3
Туапсе	86261	5
Томск	3822	5
Тула	0872	5
Туменъ	3452	5
Тьерь	08222	5
Ужгород	0312	6
Ульяновск	8422	5
Уральск	31122	5
Урганч	38222	3
Усть-Каменогорск	3232	5
Уфа	3472	5
Фарғона	37322	2
Харков	0572	5
Херсон	05522	6
Хўжанд	37922	4
Ақмола (Шелинград)	31722	4
Чоржўй	37822	4
Челябинск	8352	5
Челябинск	3512	5
Черкасск	0472	6
Черновик	04622	6
Черновик	03722	6
Чимкент	32522	4
Чита	30222	6
Черкасск	87822	5
Ялта	0654	5
Ярославль	0852	5
Тошкент вилояти-даги районлар		2

МОДОМИКИ, гапимиз хотин-қизлар шахмат ҳақида борар экан, Шарқда машҳур бўлган «Дилором моти» эртанинг яна бир керна эслайлик. Унда ҳикоя қилинишича, Эрон шоху Ҳамиди ашаддий шахматчи бўлган. Кейинчалик у шахматни кимюрга айлантирибди. Бир кун кишини мамлакат подшохи билан шахмат ўйнаб бор мол-мулкидан ажрағач, охири хотини гузал Дилоромни тикибди. Унингде аҳоли танг бўлиб, ютказиб деб турган Ҳамиди хотинига кўп қўриб қарабди. Шунда тилга фақат эри тушундиган бир тилда қўриб айтиб, мотдан қутилиш йўлини кўрсатди. «Ақд муъжизаси» деган китобимда уша ажойиб позицияни ҳам келтирганим.

Мўғулистоннинг биринчи чемпиони Санжамша шахмат ҳақида бир кичик китобча ёзган. Бунда у мўғулча ўйин қондалари ҳақида ҳикоя қилди ҳақида қадимги халқ афсоналари, ривоятлари билан таништирди. Ана шулар орасида «Дилором моти»га ўхшаш афсона ҳам бор. «Келиннинг топган йўли» деган афсонада ҳикоя қилинишича қадим замонда икки шахматчи чол ўтишган экан. Улардан бири иккинчисига бор молу дунёсини бой бериб қўйибди-ю, ютказганларини қайтариб олишга аҳд қилибди. Дов учун жонини тикибди. Оқ доналар билан ўйнасада омади келмабди. Чол мўқаррар мот бўладиган аҳолга тушиб қолди. Ушода чолнинг келини йўлини кузатиб ўтирган экан. Фаросатли келин оғир аҳолидан қутилиш йўлини топди-ю, бироқ очик айта олмабди. Шунда у: «Ота бу йил баҳор оғир келди. Болаларимнинг иккаласи ҳам катта бўлиб қолди. Очликдан қутилиш учун арваларини сандириб, ўтин қилсак, болаларини саватчага солиб, туянинг икки ёнига ортақда, тоғларга чиқиб кетсак» дебди. Чол келини топган йўлини дарров фаҳмлабди. «Кийш!» деб арваларни — (руҳлар)дан бири рақибининг шохига берибди. Рақиб шох аравани ютиб юборибди. Шунда чол туяси (фил)ни болалар (пиедалар) ёнига олиб бориб, иккинчи аравасига йўл очибди. Рақиб шох кишидан қочибди. Чол иккинчи аравасини ҳам рақиб шохига итмом қилибди. Шох бу аравани пажос ютиб юборибди. Чолнинг иккала араваси ҳам синибди. Энди тоғча қичиш (ютиш) учун болаларини туянинг (фил) икки ёнига ортиб олиш керак эди. Бунинг учун болалардан бирини туянинг нариги ёнига ўтказиб қийди. Бу йўл билан иккинчи пиедага ҳам йўл очилди. Оқибатда вазиат уларнинг фойдасига хал бўлиб рақибни мағлубиятга уради. Мен бу ҳикояни шахмат тилига кўчириб уша вақтда ёзилган мақолада диаграмма берганим.

Машҳур гротсмейстр Пауль Керес аёллар беш соат мобиянда жим ўтиришмаганини учун шахматда эркакларга бас келишмайдиган, дея ҳазиллашган эди. Энди масалага жиддийроқ қарайдиган бўлсак, галати бир ҳолинг гувоҳи бўламан: мабодо, аёл киши эркак шахматчига ютказиб қўйса бунинг ортиқча ажбаладиган жойи йўқдек туюлади. Аммо эркаклар аёлларга ютказиб қўйиб, мазаб бўлишдан ўлғудек қўриқшадан, шунинг учун ҳам улар малякага қарши астойдил, жон-маждларин билан жанг қиладилар.

Айрим шахматчи аёлларнинг жанг-гирингига қўйил қолмай илож йўқ. Масалан, венгроялик машҳур шахматчи Жузе Полгарин оялики. У асосан эркаклар билан ўйнайди. Бир кун ундан «Ҳаётдаги энг эзу орузини қилиш нима» деб сўрашганда у: «Эркаклар ўртасида жон чемпиони бўлишдир!» — деб жавоб берган. Яқинда у Нью-Йоркда ўтказилган

Америка эркаклар очик чемпионатида қатнашди. Ун етти ёшида жаҳон чемпиони бўлган (шахмат тарихида биринчи марта) Майя Чебурданиде эса кичиклигида ҳам, катта бўлганда ҳам бекисё юксак натижалари билан шахмат оламини ҳайратлантириб келмоқда.

Югославиядаги спорт клубларидан бирининг эркак гротсмейстр ва мастертлардан тузилган терма командаси Тбилисига келиб, Грузия аёллар командасига билан ўртоқлик учрашув ўтказганига нима дейсиз? Тан олиш шунчалки-да! Мехмонлар таъбирлари еганларичи! Лекин ҳозирча фақат Грузиядагина шундай бўлиши мумкин...

*** Шатранж оламида РАҚИБ ЖАНГАРИ АЁЛЛАР**

Бунга яна бир мисол. 1987 йил охирида Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида «Аёллар эркакларга қарши» деб номланган шахмат тарихида биринчи халқаро турнир ўтказилди. Унда М. Чебурданиде, Н. Гаприндашвили (СССР), Ж. Полгар (Венгрия) ва П. Крамлинг (Швеция)дан иборат аёллар «команда» эси, халқаро гротсмейстрлар Э. Лоброн (ГДР), М. Дуға (АҚШ), халқаро мастер У. Уотсон (Англия) ва бельгиялик мастер Л. Винкслардан тузилган эркаклар жамоасига қарши майдонга тушди. Шартга кўра ҳар бир аёл шахматчи навбат билан бөрча эркак рақиблари ила икки партиядан бахс юришди. Охири сарқилган турда Уотсон утбисилик беш карра жаҳон чемпиони Гаприндашвили оқибатда биринчи, шахмат малякаси Майя Чебурданиде эса иккинчи ўринни олди. Эркаклар «бурунларини тишлаб қолдилар!» Хурматли аёлларимизнинг мутлақо камситмаган ҳолда маълум ҳақиқатни ҳам тан олганимиз керак: ҳозирча жиддий тафаккур тарзи билан боғлиқ соҳаларда хотин-қизлар эришган натижалар эркакларнингга нисбатан анча камтарона. Айниқса, шахматда. Бунинг сабаби тарихий, социял ва бошқа йўлаб омиллар билан боғлиқ, ҳозир бу ҳақда батафсил фикр юритиш мавриди эмас. Дарвоқе, бу борада шахмат бўйича жаҳон экс-чемпиони Нона Гаприндашвилининг мулоҳазалари диққатга сазовор. У муҳбирнинг «Нима учун ҳозирча аёллар эркаклардан бўшқўр ўйнайдилар!» Менимча, бунинг сабабларидан бири ҳиссийатлари эўрилганидан бўлса керак. Аёл киши ўзига ёққан юришдан, ҳатто занғилга яққол кўриниб турган бўлса ҳам, воқеани қийинроқ... деган гапига шундай жавоб қилади: «Галингизда жон бор. Лекин янада муҳимроқ омиллар бор. Биринчидан, вақт маъсалиси. Аёллар эркакларга қараган-

да бандроқ бўладилар. Дарвоқе, кўпчилик қизлар ўзлари билан тенгдос ўғил болалардан сира пост ўйнамайдилар, аммо катта бўлиб қолган орда қоладилар. Иккинчидан, аёл киши дуррашга камроқ мослашган. У — тинчлик, оёсийхалик таърафдорини.

Нонанинг юқорида аёллар ўйини ҳақида айтган фикри умуман олганда тўғри. Аммо ҳаётда истисолод, фақуллода ҳодисалар ҳам мавжуд. Ахир Нона «Аёл киши курашга камроқ мослашган» деган фикрини ўзи, ўз фаолияти билан инкор қилди-ку!

Аёллар ўртасида олти йил жаҳон чемпиони унгоинини савлаб қолшдан ташқари, эркаклар ўртасида халқаро гротсмейстр деган юксак унвога ҳам сазовор бўлди. Бунасига шахмат тарихида бўлмаган...

Бундай юксак унвога иккинчи бўлиб Майя Чебурданиде эришди. Унинг 1985 йили Фрунзадаги эркаклар халқаро турниридаги ўйинларига гувоҳикан. Мен мусобақа бош ҳақмининг ўринбосари вазифини баъжарардим. Ҳаммининг нигоҳи Майяда, унинг ўйинларида бўлди. Минсклик таниқли гротсмейстр Виктор Купрейчикни ютганда ҳам қўйбасида айтирли ўзгарини пайқамадим. Унда ҳам-мунча эркак шахматчи ҳам бунинг удрдасидан чиқа олмайдди. Лекин...

Ҳўш, республикаимизда аёллар ўртасида шахматнинг ривожини, оммавийлигини ҳақида қандай фикрларини айтиш мумкин! Галининг очиги, мақтанандиган жойимиз йўқ, ҳозирча. Малакали устоз-тренерлар етишмайди: борларининг ҳам аксериати нўноқ. Ишга нафакат мактаблардан, балки боғчалардан бошлаш керак.

Тошкентда ўтказиб турилладиган аънаванавий Азмиддин Хўжаев турнирида аёллар қатнашганини эспюлайман. Ваҳолатки, бу мусобақада кучли шахматчи хотин-қизлар ҳам қатнашиб, маҳоратларини оширишлари мумкин-ку! Қатнашадиган муносиблар йўқ ҳозирча. Масалан яна бир томоний рейтинг деган нарса бор. Кучсиз иштирокчи ўртача рейтингини пасайтириб юбореди, бунинг ҳеч истамайди. Келадиган маҳмонлар — гротсмейстрлару мастертларнинг кўниги қийин. 1985 йили Фрунзада Майя Чебурданиде билан ҳамсуҳбат бўладим. Унга Олма-Стаддаги бир ўйинни хивёл эслатишим билан шимала, шахмат қилатганимиз савди ниқилли, бир қизнинг исминини сўради.

— Шарифа, — дедим. — Ҳа, Шарифа Бердиева, — дея сал жиддийланди сўзбўтдошим. — Мактаб ўқувчилари Бутуниттифок мусобақасида мени болаб ютиб олган. Ушанга ҳам ўн йил йил бўлибди. Чинакам шахмат мастери бўладиган қиз эди...

Шарифа шахмат мусобақаларига қатнашмай қўйганига анча бўлди. Университетга кирди-ю, шахматини ташлади. Энди ўзи бола-чақали. Қизларимизнинг аксериати шундай. Ҳозир икки иш, вақти келганда онла ташвишнинг ҳам эллай оладиган, шахматга ҳам тегишли вақт ажратиниш удрладиган чинакам фидоийлар бўлсагина мавсуда эришилади.

Республикаимизда ҳам аёллар ўртасида шахматни жонлантирса, шахматчи аёлларимизнинг жаҳон миқёсига олиб чиқса бўлади. Аввало кучли аёллар шахмат мактабинин яратиш, шахматга мойил қизларни болалигидан тарбиялаш деркор. Ҳамма нарсанинг илози бор, албатта. Бунга интилиш, ижониятларини ишга солиш керак. Бунда ҳам фидоий тарғиботчи, мутасадди, мураббий ва устозларсиз иш битмайди, албатта.

Маммажон МУҲИДИНОВ, халқаро топфадаги ҳакам.

* Ҳар тўғрида

БАРГЛАР орасида конфект ҳосиллари ослиб турган дарахтин кўрганмишиз?... Мана, бир неча бола дарахт атрофини ўраб олишиб, галати шанқалди меваларини маъза қилиб еишяпти. Маъзаси ҳам бамисолок конфектининг ўзинисини. Тарихида 20 фонт тоза шакар бўлган бу мена ноёрини охири, декабрининг бошида пийиб етилади. Бордию мена бироз кучамлисон унгоинини савлаб қолшдан ташқари, эркаклар ўртасида халқаро гротсмейстр деган юксак унвога ҳам сазовор бўлди. Бунасига шахмат тарихида бўлмаган...

Бундай юксак унвога иккинчи бўлиб Майя Чебурданиде эришди. Унинг 1985 йили Фрунзадаги эркаклар халқаро турниридаги ўйинларига гувоҳикан. Мен мусобақа бош ҳақмининг ўринбосари вазифини баъжарардим. Ҳаммининг нигоҳи Майяда, унинг ўйинларида бўлди. Минсклик таниқли гротсмейстр Виктор Купрейчикни ютганда ҳам қўйбасида айтирли ўзгарини пайқамадим. Унда ҳам-мунча эркак шахматчи ҳам бунинг удрдасидан чиқа олмайдди. Лекин...

Ҳўш, республикаимизда аёллар ўртасида шахматнинг ривожини, оммавийлигини ҳақида қандай фикрларини айтиш мумкин! Галининг очиги, мақтанандиган жойимиз йўқ, ҳозирча. Малакали устоз-тренерлар етишмайди: борларининг ҳам аксериати нўноқ. Ишга нафакат мактаблардан, балки боғчалардан бошлаш керак.

Тошкентда ўтказиб турилладиган аънаванавий Азмиддин Хўжаев турнирида аёллар қатнашганини эспюлайман. Ваҳолатки, бу мусобақада кучли шахматчи хотин-қизлар ҳам қатнашиб, маҳоратларини оширишлари мумкин-ку! Қатнашадиган муносиблар йўқ ҳозирча. Масалан яна бир томоний рейтинг деган нарса бор. Кучсиз иштирокчи ўртача рейтингини пасайтириб юбореди, бунинг ҳеч истамайди. Келадиган маҳмонлар — гротсмейстрлару мастертларнинг кўниги қийин. 1985 йили Фрунзада Майя Чебурданиде билан ҳамсуҳбат бўладим. Унга Олма-Стаддаги бир ўйинни хивёл эслатишим билан шимала, шахмат қилатганимиз савди ниқилли, бир қизнинг исминини сўради.

— Шарифа, — дедим. — Ҳа, Шарифа Бердиева, — дея сал жиддийланди сўзбўтдо